Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 29-mart. Seshanba • 39 (31.315) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

2011 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Мажлиснинг иккинчи кунида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиб, маъқулланди. Сенаторлар томонидан ушбу Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг йўл ҳаракати хавфсизлигини, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини таъминлашга қаратилган нормаларини янада такомиллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Қонунга мувофиқ, маст ҳолатда транспортни бошқариш, маст ҳолатдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш, йўлларга шикаст етказганлик, светофор сигналларига амал қилмаслик, авария ҳолатини келтириб чиқариш ёки қарама-қарши томондан ҳаракатланиш йўлига ўтиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари анча кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодировнинг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати шуни қайд этдики, ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги Қарорини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган.

Прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни ижро этиш юзасидан қонунларнинг бажарилиши бўйича 28363 та текширув ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича 350 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қабул қилинган, 43247 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари билан тасдиқланган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларининг ҳудудий органлари томонидан тегишли соҳалардаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назорат амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари, деҳқон, фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга ва уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларига йўл қўймасликка, ердан фойдаланиш соҳасидаги тартиббузарликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа











Мудродбек ЗИЁ олган суратлар.

# Электоратни қўллаб-қувватлашнинг янги механизми

## ўзининг амалий натижасини бермоқда

Ҳар бир инсон яхши яшашга интилади. Ўзи, оиласи, фарзандлари учун муносиб турмуш шароитини яратишга ҳаракат қилади. Аммо ҳамманинг ҳам имконияти бир хил эмас. Шу сабабли жамиятда айрим кишилар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ана шу тоифа кишилар манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Бугун партия ташкилотлари, депутатларимиз бу мақсадга эришиш учун турли ташаббуслар билан чиқмоқда, тадбирларни амалга оширмоқда.

Партия Марказий Кенгаши билан Марказий банк ҳамкорликда амалга ошираётган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш» лойиҳаси ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни фаол ҳаракатга келтириш ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади электоратнинг ишга лаёқатли вакиллари — вақтинча ишсиз кишилар, уйда ўтирган аёллар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этишига кўмак бериш, шу орқали янги иш жойлари яратишдан иборат.

Лойиҳа доирасида навбатдаги иқтисодий форум Навоий шаҳрида ташкил этилди. Унинг доирасида иқтисодий ўқув, бўш иш ўринлари ярмаркаси, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматлар кўргазмаси, тижорат банкларининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича методик ва услубий материаллари кўргазмаси, кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди.

«Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш жойлари ташкил этиш имкониятлари» деб номланган иқтисодий ўқувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши экспертлари, Марказий банк ва тижорат банклари вакиллари, уларнинг вилоят ва туман бўлимлари раҳбарлари, партиянинг Навоий вилоят кенгаши етакчи ва фаоллари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, оилавий бизнес, ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланувчилар, ўз бизнесини бошлаш ҳаракатидаги ёшлар, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни нимадан бошлашни билмай юрган кишилар ва партиямиз электоратининг бошқа вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Эртага Тошкент шаҳридаги Халқаро ҳамкорлик маркази мажлислар залида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтади.***

Пленумда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг партия электорати манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги фаол иштироки ва пленум ваколатига оид бошқа масалалар муҳокама этилади.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати**

### Эътироф

**Мамлакатингизда спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қувонарлидир. Ҳолбуки, кўпгина мамлакатларда спорт, таълим ва маданиятни ривожлантиришга сўнгги масалалар сифатида қаралади. Ўзбекистонда эса мазкур соҳаларни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани давлатингиз раҳбари ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.**

**Кирсан ИЛЮМЖИНОВ,**
***Халқаро шохмот федерацияси (ФИДЕ) президенти (Россия)***

### Янгилик

## Мустақиллик тенгдошлари акцияси

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Биз 20 ёшдамиз» ёшлар акцияси бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамда «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, молия, банк, суғурта тузилмалари, жамоат ташкилотлари, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ёшлар иштирок этди.

Ёш тадбиркорлар форуми, бўш иш ўринлари ярмаркаси, турли ижодий кўрик-танловлар, интеллектуал викториналар, тарихий масканларга саёҳатлар, концерт, спорт марафони ва бошқа туркум ижтимоий-маърифий тадбирлардан иборат эканлиги, қамровининг кенглиги, ранг-баранглиги, йигит-қизларнинг қизиқиши ва интилишига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур акция 21 апрелгача Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этади.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлик механизмлари



**Комила КАРОМОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси*

Давлат органларининг барқарор фаолият юритишида ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва манфаатлар мувозанатини сақлаш механизми муҳим аҳамиятга эга. Бу демократик бошқарувнинг асосий талабларидан биридир.

Конституциямизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши энг муҳим демократик тамойил сифатида қайд этилган. Бугунги кунда бу тамойил ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топган.

⇨ 3




### Жаҳон чемпионлари учрашуви

# Юртимизда катта шоҳмот байрами

⇨ 4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 29 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1725,04 | 1 Миср фунти | 282,81 | 1 СДР | 2667,28 | 10 Жанубий Корея вони | 15,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2691,79 | 1 Канада доллари | 1714,08 | 1 Туркия лираси | 1082,00 | 10 Япония иенаси | 205,63 |
| 1 БАА дирҳами | 457,70 | 1 Хитой юани | 256,19 | 1 Швейцария франки | 1825,19 | 1 Россия рубли | 59,56 |
| 1 АҚШ доллари | 1681,00 | 1 Малайзия ринггити | 555,70 | 1 Евро | 2381,34 | 1 Украина гривнаси | 211,24 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Xizmatlar litsenziyalangan

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва бу соҳада қонунийликнинг мустаҳкамланиши устидан назорат олиб борилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган тадбирлар вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик даражаси 2009 йилдагига қараганда 3,9 фоизга пасайишига ёрдам берган.

Ҳисоботни муҳокама қилиш якунида Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олган тегишли қарорни қабул қилди.

Сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Умаровнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳам тингладилар. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган даврдаги иши якунларини кўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни таъминлаш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб борилган тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари 2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастуридан жой олган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилмоқдалар.

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш борасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар 12,53 минг тоннага қисқарган, 21,6 мингта автотранспорт воситаси газ ёқилғисига ўтказилган, «Навоийазот» ОАЖ, «Фарғоназот» ОАЖ ва «Максам-Чирчиқ» ОАЖ корхоналарида азот оксидини атмосферага чиқариб ташлашни камайтириш бўйича янги технологиялар ўрнатилган, Навоий ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижасида бузилган 459,8 гектар экин ерлари фойдаланишга қайтарилган.

Ҳисоботни муҳокама этиш асносида мажлис иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларининг имкониятларини янада ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланиш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни амалиётга жорий этиш, бу соҳада қабул қилинган давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р. Муҳитдиновнинг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Бунда улар қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш борасида вазирлик томонидан олиб борилаётган ишларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Вазирлик амалга оширган мониторинглар якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат тузилмалари томонидан комплекс ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар кўрилган. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг қонунчилик асосларини ва услубий таъминланишини такомиллаштиришга, юридик хизматлар ходимларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга ҳамда уларнинг давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг сифати учун жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилган.

Замонавий коммуникация воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий ахборотни аҳолига етказиш учун қўшимча шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўрилган. 2010 йил 1 январдан бошлаб интернет тармоғи воситасида Миллий қонунчилик маълумотлари базасидан барчанинг кенг фойдаланиши таъминланган.

Ҳисобот даврида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш борасида вазирлик томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. 2010 йилда қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш ҳақида вазирлик томонидан 40 та тақдимнома киритилган. 2008 — 2010 йиллар мобайнида қонун билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган 70 дан ортиқ идоравий ҳужжат бекор қилинган.

Сенаторлар давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг қонун талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасидаги ишининг самарадорлигини янада оширишга эътиборни кучайтириш зарурлигини, қонун талабларини ижро этиш давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг ғоят муҳим шарти эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик ялпи мажлиси мобайнида 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, 11 қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши давлат қурилиши ва бошқарувини демократлаштиришда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мамлакат ташқи сиёсий фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# Электоратни қўллаб-қувватлашнинг янги механизми

## *ўзининг амалий натижасини бермоқда*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*







### САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ

— Банклар ажратаётган кредитлар кўплаб янги иш жойлари ташкил этишга хизмат қилмоқда, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Партиямизнинг электорати, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни оилавий тадбиркорлик, хусусан касаначиликка кўпроқ жалб этиш, уларга бу йўналишда молиявий кўмак кўрсатиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали оилаларнинг иқтисодий фаровонлиги таъминланади, турмуш даражаси ошади. Бунда банкларнинг хизмати катта, албатта.

Маълумки, давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепциянинг асосий йўналишларини амалга ошириш ва Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш ҳар биримиздан янада фаол бўлишни, амалий ташаббуслар билан чиқишни талаб қилади. Шу боис ЎзХДП мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Мазкур лойиҳа бунга амалий мисол бўла олади.

— Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов.** — Мен шу замин фарзандиман. Навоий вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўрин тутади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўли — аҳолини иш билан таъминлашдир. Кишилар ўзи учун иш ўрни яратишига йўл очиб бериш, бунёдкорлик ғояларини рағбатлантириш оила фаровонлигини таъминлаб қолмай, юртда яратиш, янгиланиш муҳити қарор топишига, одамлар дил ва диёр ободлигига интилиб яшашига хизмат қилади. Шу сабабли партиямиз яхши ният билан ҳамкорликда шу лойиҳани амалга оширмоқда. Бунда энг асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни секин-аста, босқичма-босқич ўрта синфга ўтказишдан иборатдир.

— Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги кафолати ҳамда уни ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда, — деди **Навоий шаҳар ҳокими Баҳодир Жўраев.** — Мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш, унга имтиёзлар бериш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг янги ривожланиш босқичига мустаҳкам асос яратади.

### КРЕДИТЛАР — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ УЧУН

Иқтисодий ўқувда тижорат банклари вакиллари микромолиявий хизматларнинг ҳуқуқий асослари, кичик бизнесга кредит ажратиш қоидалари, бу йўналишда амалий ишлар ҳақида маълумот берди.

— Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз зарур, — деди **Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев.** — Кейинги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз тараққиётини белгиловчи қудратли кучга айланаётгани яққол намоён бўлаяпти. Юртбошимиз бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Бу ҳаётда қайта-қайта ўз исботини топаяпти. Шу сабабли банклар олдига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига жиддий ёндашиш, соҳага ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 бароборга ошириш, кредитлаш механизмини соддалаштириш вазифаси қўйилган. Бунда, айниқса, ишлаб чиқариш, инвестиция жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Бу йил ҳам микрокредитлашни соддалаштириш, имтиёзли кредитлар ҳажмини ошириш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қишлоқ жойларда ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 12 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратиш кўзда тутилган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар ажратиш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган дастур асосида олиб борилаяпти.

— Микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми ва самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ҳамда фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни жойида ҳал этишда катта аҳамиятга эга, — деди **«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари Иброҳим Салимов.** — Иқтисодиётнинг ривожланишини кичик бизнес тараққиётисиз тасаввур этиш қийин.

Бизнесни бошлашда дастлабки сармоя жуда муҳим аҳамиятга эга. Банкимизда бизнесни бошлаш, ривожлантириш, янги лойиҳаларни кредит билан таъминлаш бўйича самарали механизм яратилган. Бошланғич сармояни шакллантириш, янги ғоялар ва лойиҳалар асосида ишни янада жонлантириш учун айланма маблағни тўлдиришга имтиёзли микрокредитлар ажратилади. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга микролизинг хизмати кўрсатиш ташкил қилинган.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига кредитлар ажратиш бўйича алоҳида йўналиш ташкил этилган. Йигит-қизлар эгаллаган касби, ҳунари бўйича ўз бизнесини йўлга қўйиш учун бошланғич сармояни шакллантиришга кредит олиши мумкин.

### НАВҚИРОН КУЧ, ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ФАРОВОН ҲАЁТ...

Қайд этиш ўринлики, ЎзХДП фаоллари вилоятнинг шаҳар ва туманларида Марказий банк ва тижорат банклари кўмагида кредит олишни хоҳлаган ҳамда маблағни мақсадга тўғри йўналтиришга қодир электорат вакилларини аниқлаш бўйича кенг кўламли иш олиб борди. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва янги иш жойлари ташкил этиш ҳудудий дастуридан келиб чиқиб, электорат вакиллари, аёллар, ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан тақдим этилган бизнес лойиҳалар кўриб чиқилди. Натижада 80 дан ортиқ лойиҳа имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи тижорат банкларининг сертификатларига лойиқ деб топилди.

Иқтисодий форум доирасида сертификатларни ўз эгаларига топшириш маросими бўлди.

— Мен 2008 йили касб-ҳунар коллежини битирган эдим, — дейди Хатирчи туманининг Кўксарой қишлоғидан Мансур Ҳамидов. — Шундан сўнг олган билимимни амалиётда синовдан ўтказиш мақсадида дурадгорга шогирд тушдим. Устанинг қўлида маҳоратимни оширишга ҳаракат қилдим. Бу санъатнинг чеки-чегараси йўқ. Ўз устингда ишлаганинг сари янги қирраларини кашф этасан. Мен энди ишни мустақил равишда давом эттириш ниятидаман. Устозим шундай маслаҳат берди. Шу сабабли партия фаоллари кўмагида ҳужжат тайёрлаб, кредит олиш учун банкка топширдим. Бугун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Энди ўз устахонамни очаман.

— Биз икки йилдан буён оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз, — дейди Кармана туманининг «Деҳқон» маҳалласида яшовчи Дилбар Турсунова. — Оиламиздаги беш киши нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд. Энди маҳалламиздаги эҳтиёжни ҳисобга олиб, гўзаллик салони очмоқчимиз. Бундан ташқари, озиқ-овқат дўкони, ошхона фаолиятини ташкил этиш ниятимиз бор. Маҳаллада қўлидан иш келадиган ҳунарманд ёшлар, айниқса, аёллар кўп. Агар шу ишларнинг барчасини йўлга қўйсак, яна тўққиз кишини иш билан таъминлаш имкони туғилади. Бугун гўзаллик салони ишини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредит кафолатланган сертификатни қўлга киритдик. Қизим бу соҳада анча тажриба тўплаган. Ишни кейинчалик ривожлантириб юборишига ишонаман.

— Мен касб-ҳунар коллежида менежмент йўналиши бўйича таълим олганман, — дейди Кармана туманининг «Бобур» маҳалласида яшовчи Садоқат Аббосова. — Банкдан кредит олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очган эдим. Биз — ёш оиламиз. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, савдо ишини янада кенгайтириш ниятидамиз. Шунда икки ишчининг ёнига яна бир ишчи қўшилади. Тажриба шуни кўрсатаяптики, биров ишлаб чиқарган маҳсулотни сотишдан кўра, ўзинг кичик саноатни йўлга қўйишинг истиқболли экан. Шу сабабли ширинликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидамиз. Бу орқали оиламизнинг фаровонлиги янада ошади, икки фарзандимиз яхши тарбия, билим олиши учун янада муносиб шароит яратамиз...

Оилавий бизнес ва касаначилик фаолиятини бошлаш, ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритган барчанинг кўнглида ана шундай бунёдкор ғоялар жўш ураётганига амин бўлдик. Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари кредитлар олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тушунча ва тавсиялар бергани, тижорат банкларининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича шарт-шароит билан танишиш имконияти юзага келгани иқтисодий ўқувнинг барча иштирокчилари учун фойдали бўлди.

Бунинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун партия фаоллари астойдил ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, партиямиз Ҳаракат дастурида Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари тармоғини кенгайтириш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилган. Форумда сертификатлар билан тақдирланган қатор лойиҳалар шу мақсад билан уйғун ва муштаракдир.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП вилоят кенгашларида

# Фуқаролар фаоллигини ошириш

## *кун тартибида турган масала*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган сиёсий ўқув-машғулотлари ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги долзарб масалаларга қаратилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сиёсий семинар «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокини кучайтириш» мавзуига бағишланди.

Унда вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Собуров, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими Машариф Бекчонов демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокини кучайтириш зарурлиги ҳақида атрофлича фикр юритишди. Мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Рўзимбой ҲАСАН**

✧✧✧

Беруний туманида халқ депутатлари Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл ва Амударё туман Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар учун ўқув-семинар бўлиб ўтди. «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуига бағишланган семинарда депутатлар фаолияти таҳлил этилди. Ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Электоратимизни ўйлантираётган масалалар ечимида дуч келинаётган муаммолар, шундан келиб чиқиб тегишли ташкилотларга юборилган сўровномалар натижаси ўрганиб чиқилди. Улар асосида вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, тадбирда «Энг яхши ЎзХДП тарғиботчиси», «Энг кўп ва сифатли кўчат ўтқазишга эришган бошланғич партия ташкилоти» мавзуларида танлов эълон қилинди. Уни амалга оширишда фаол қатнашиш мақсадида иш режа қабул қилинди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

✧✧✧

Пайариқ туманидаги 54-махсус мактаб-интернатда туман Кенгаши депутатлари ва туман партия кенгаши ташаббуси билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар, амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар ҳақида фикр алмашишди.

— Мамлакатимизда аҳоли ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди депутат Эрдош Аҳадов. — 2011 йили Давлат бюджетининг 60 фоизи айнан ижтимоий соҳага қаратилгани фикримиз тасдиғидир. Ёшларнинг билим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ёшлар мана шу имкониятдан самарали фойдаланиши лозим.

Шунингдек, ҳомийлар байрам тадбири ташкил этди. Ёшлар куй-қўшиқлари иштирокчиларга хушкайфият улашди.

**Бозорбой ХИДИРОВ**

✧✧✧

Юқори Чирчиқ туман партия кенгашида вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

Унда ёшлар бўш вақтини тўғри ташкил этиш, касб-ҳунарга меҳр уйғотиш каби масалалар илгари сурилди. Бу борада ЎзХДП ташкилотлари олиб бораётган ишлар хусусида ахборот тингланди. Йигит-қизлар бандлигида партия ташкилотлари иштироки муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, туман партия кенгаши раиси ўринбосари Яшин Аҳмедов, педагогика коллежи директори Абдуғаффор Саиназаров мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди. Бир гуруҳ фаол партия аъзолари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Латифжон МАНСУРОВ**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлик механизмлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотларга дунё ҳавас билан қараяпти. Бугун мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва натижаларга аксарият давлатлар юз йиллар давомида эришгани ҳеч кимга сир эмас.

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилган парламент ислоҳотлари, яъни икки палатали парламентга ўтилиши ҳам демократик ислоҳотларнинг ўзига хос босқичи сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз 2005 йилнинг 28 январь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат... Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи — Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш; Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш» каби вазифаларни белгилаб берган эди.

Шундан келиб чиқиб, 2007 йил 11 апрелда мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган меъёр Конституциядан чиқарилди. Унинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди», деб белгилаб қўйилди. Президент эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш борасидаги муҳим ўзгартишлардан бири сифатида баҳоланди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсири ошаяпти ва бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллашмоқда.

Жумладан, «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги Конституциявий қонунга асосан назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партиялар депутатлик гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти қониқарсиз бўлса, бу ҳақда Президентга асосли хулосалар тақдим этиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳам сиёсий партиялар фаоллиги ва мавқеи ошишида муҳим қадам бўлди.

Ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда янгилаш, ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган кўпдан-кўп чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу маънода, 2010 йилнинг 12 ноябрида Президентимиз илгари сурган Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг ўсиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги ислоҳотлар аниқ стратегия асосида амалга оширилмоқда. Яъни, ҳар бир янгилик олдиндан пухта ўйлаб, муайян тайёргарлик асосида ҳаётга татбиқ этилаяпти.

Давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинди. Унга кўра, давлат ҳокимиятининг учта субъекти давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида Конституциянинг 93-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ваколати чиқарилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини кенгайтириш мақсадида Конституциянинг 78-моддасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳақидаги меъёр киритилмоқда.

**Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенати ваколатларини кенгайтириш ҳамда бюджетни шакллантириш ва ижро этиш устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш учун Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент фармонини тасдиқлаш Олий Мажлис Сенатининг ваколатига киритилмоқда.**

Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тамойилларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилмоқда. Бу ўз навбатида давлат бошқарувида сиёсий партиялар мавқеи ва таъсирини оширишга хизмат қилади.

Унга кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча партия томонидан таклиф этилади.

Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда, палата депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми Президентга тақдим этган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Таъкидлаш лозимки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия илгари сурган Бош вазир номзоди парламент кўриб чиқиши ва тасдиқлаши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизни демократлаштириш борасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Қонунчилигимизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар мамлакат ҳаётида сиёсий партиялар мавқеи ва таъсири кучайишига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир ўзгариш, ислоҳот тақдири инсон омилига бевосита боғлиқ. Яъни, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари борилаётган бир пайтда партиялар фуқаролик жамияти ва давлат манфаатларини бирлаштирувчи кўприк вазифасини ўтайди. Шу боис ҳам кучли сиёсий партия давлат билан жамиятдаги турли қатламлар ўртасида муштаракликни кучайтиради.

Шу маънода, электоратнинг сиёсий фаоллиги ошиши учун қайғуриш, фуқароларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштирокини кучайтириш, онгу тафаккурда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ҳар бир партия олдида турган муҳим вазифадир.



## Ватан ҳимояси — олий шараф

Куни кеча Тошкент ҳарбий округида муддатли ҳарбий хизматни бошлаган аскарлар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Бу воқеа зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаган аскарлар ёдида бир умр муҳрланиб қолади.

Тантанада иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар бу маросим ёш авлодни мард ва жасур қилиб тарбиялашда муҳим маърифий аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган аскарларни ота-оналари бағрига босиб, гуллар тақдим этишди.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Жавоҳир Файзиевни қутлагани онаси Ойдин Мавлонова келибди.

— Тўрт қизим, бир ўғлим бор, — дейди у. — Фарзандим Ватанига хизмат қилаётганидан бениҳоя хурсандман.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган, она Ватанини садоқат билан ҳимоя қилишга онт ичган мард йигитлар бурчларини шараф билан адо этишга отланишди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Янгиликлар

# Йўловчи ва юк ташиш

## қоидаларига ўзгартиш киритилди

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Фарғона шаҳрида автотранспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар ҳамда 2011 йилда солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишга ҳамда автотранспорт соҳасига оид қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришларга бағишланган ҳудудий семинар-кенгаш ўтказди.

Семинар иштирокчиларига Вазирлар Маҳкамасининг «Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳамда Олий хўжалик суди мутахассислари ўз соҳаларига доир масалалар юзасидан маърузалар қилишди.

Албатта, семинар-кенгашнинг асосий мавзуси янги қабул қилинган ҳужжатлар ҳисобланади. Бу ҳужжатларда автомобилда йўловчи ташувчиларни тендер бўйича танлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш қоидаларини тартибга солиш, хавфли юкларни автомобиль транспортида ташишни ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилаш, ташиш жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилгани ҳаётий мисоллар билан баён этилди.

— «Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари» автотранспорт воситалари кимга тегишлиги эканидан қатъи назар, унда хавфли юкларни ташиш тартибини белгилайди, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги масъул ходими Исроил Қудратов. — Хавфли юкларни ташишга қўйиладиган талаблар, ҳаракат хавфсизлиги, юкларнинг сақланишини таъминлаш шартлари ва сифатли ташишнинг бошқа меъёрлари унда қайд этилган. Энг аввало, мазкур қоида хавфли юкларнинг икки турини фарқлаб беради. Яъни, хавфли юклар ва алоҳида хавфли юклар...

Семинарда юқоридаги ҳужжатлар шу йилнинг 1 апрелидан кучга кириши маълум қилинди. Шуни ҳам айтиш керакки, «Йўл ҳаракати қоидалари»га тегишли ўзгартиш киритилган, яъни қоиданинг «Хавфлилик белгилари» иловаси янги белгилар билан тўлдирилган. Бу ҳақда ҳам тушунча берилди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**


# ЦС «УЗГИДРОМЕТ»

*при Кабинета Министров Республики Узбекистан объявляет повторный конкурсные торги*

**По объекту:** «Модернизации метеорологического оборудования радиолокационной станции» аэропорта в городе Нукусе.

***Стартовая стоимость заказчика:***
417 852 270 сум с учетом НДС;
348 210 225 сум без учета НДС.

*Срок завершения строительства 4 месяцев.*

**Заказчик:** ЦС «УЗГИДРОМЕТ» при Кабинета Министров Республика Узбекистан.

Финансирование осуществляется за счет бюджетных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств: производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу г.Ташкент, ул. Навои 22.

***Стоимость одного комплекта конкурсной документации сто тысяч сум.***

Оферты принимаются организатором торгов по адресу:
***Г.Ташкент, ул.Навои 22 тел. 8(371) 241-37-50, (99897) 715-81-80.***

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу: г.Ташкент, ул.Навои 22.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании «Узгидромет» **по адресу г.Ташкент, ул. К.Максумов — 72.**


# Устюртда байрам қувончлари

Кейинги йилларда Устюрт тамомила ўзгариб, ўзгача чирой касб этди. Қўнғирот-Бенеу темир йўлида қатнаётган поездлар йўловчиларни манзилларига етказиб қўймоқда. Қўнғирот-Бенеу магистрал автомобиль йўли қурилиши тез суръатлар билан давом этмоқда.

Устюртда «Қорақалпоқ», «Жаслиқ» шаҳарча фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги корхоналар, заводлар ишчилари ер-ости бойликларини аниқлаш ниятида қидирув-тадқиқот ишлари олиб бораётган муҳандис-техникларнинг меҳнатини кўриб, таҳсин айтасан, киши. Бугун Устюртда Наврўзи олам — уйғониш, яшариш ва янгиланиш фасли. Аҳоли кўтаринки кайфиятда. Мактаблар, болалар боғчалари, хиёбонлар ва маданий-маърифий муассасалар байрам либосида.

— Қўнғирот сода заводи корхонаси Қўнғирот шаҳри марказидан 42-45 километр олисда — Устюртда жойлашган, — дейди бош директор ёрдамчиси, ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти раиси Бахтиёр Аллияров. — Жамоамиз байрамни меҳнат зафарлари билан кутиб олди. Жорий йилнинг ўтган икки ойида белгиланган режа ошиғи билан адо этилди.

Элобод қўрғони ҳудудида Наврўз умумхалқ байрами кунлари Кимё саноати коллежи, мактаблар ва болалар боғчаларига байрам тухфаси улашилди. Мактаб ўқувчилари, болалар боғчаларида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларга совғалар топширилди. Отахону онахонларга, боқувчисини йўқотган, ногирон ва кам таъминланган, шунингдек, кўп болали оилаларга байрам муносабати билан завод касаба уюшмаси моддий ёрдам кўрсатди.

**(Ўз мухбиримиз).**

# «Навбаҳорим келур»

## *театрлаштирилган мусиқали томоша*

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Қашқадарё вилоятида 131 та катта-кичик объект бунёд этилиб, ишга туширилди. Бунга болалар спорт ўйингоҳлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, сутни қайта ишлаш мини цехлари ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Байрам муносабати билан Қарши шаҳар амфитеатрида «Навбаҳорим келур» номли театрлаштирилган мусиқали байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни Қашқадарё вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайниев кириш сўзи билан очди.

Қарши шаҳридаги амфитеатр Наврўз ва баҳорни улуғловчи тасвирлар, паннолар, вилоятда эришилаётган ютуқларни ифодаловчи шиорлар билан байрамона безатилди. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар маҳаллалари томонидан Наврўз ва баҳорий таомлар кўргазмаси ташкил этилиб, сумалак тайёрланди, дошқозонлар атрофида миллий қўшиқ ва лапарлар куйланиб, халқ ўйинлари ижро этилди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

# Наврўз давом этмоқда

Мамлакатимизда Наврўзи олам шодиёналари давом этмоқда. Умумхалқ байрами таълим даргоҳларимизда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Куни кеча 1-Тошкент педагогика коллежида ҳам байрам кенг нишонланди.

— Аслида Наврўз халқимизнинг энг қадимий ва энг севимли байрами, шу боис уни барча катта қувонч, ўзгача шукуҳ билан кутиб олади, — дейди коллеж директори, профессор Шавкат Қурбонов. — Биз байрам тадбирларида бўлғуси педагог қизларимизни миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялашни, уларда халқимизнинг энг яхши фазилатларини шакллантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Таълим масканида байрам тадбиридан кўрик-танлов ҳам жой олди. Ўқувчи қизлар сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳорий таомларни устозлари билан бирга тайёрлашди ва ғолиб бўлган гуруҳ коллеж жамоаси томонидан тақдирланди. Тадбир баҳонасида ўқувчиларга Наврўз байрами ва унинг тарихи тўғрисида кўплаб маълумотлар берилди.

Коллеждаги Наврўз шодиёналари кўнгилларга қувонч олиб кириши билан бирга, ёшлар қалбида эртанги кунга бўлган ишончни, бунёдкорлик ва эзгулик, меҳр-мурувват туйғуларини мустаҳкамлади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**


Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 228-умумтаълим мактаби томонидан 1996 йил 15 июнда Джураева Ирода Мамуровна номига берилган UZK 011746 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Сергели тумани 7-даҳа, 67-уй, 54-хонадонда яшовчи Ниёзова (Мирабзалова) Фарида Мирпазиловнага «Фароис» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси томонидан 1993 йил 24 июнда 1425 рақам билан берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Пискент туманидаги 12-умумий ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Эржон Мамарасулович Муҳаммедов номига берилган № 082645 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «LIBOS» масъулияти чекланган жамият фаолияти тугатилишини (ИНН 200633204), (ОКПО 15004953)

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. *Мурожаат учун тел: 253-65-88.*


Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати партия Марказий Кенгаши аппарати котибияти мудирининг ўринбосари Валижон Абдусамадовга турмуш ўртоғи

**Муҳаббат ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хушхабар

# Ёш мусиқачиларимиз ғолиб

Яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ёш мусиқачиларнинг «Европага нигоҳ» VI халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги Р.Глиэр номли Республика мусиқага ихтисослаштирилган академик лицейининг «Халқ чолғу асбоблари» йўналишида таҳсил олаётган Ихтиёр Абдунабиев ҳамда Абдуазим Абдуманнопов фахрли 3-ўринни эгаллашди.

— Бундай нуфузли кўрик-танловга биринчи бор қатнашишим, — дейди Ихтиёр. — Бастакоримиз Ойдин Абдуллаеванинг «Рубоб учун ёзилган концерт»ини афғон рубобида ижро этдим. Мамлакатимизда болалар мусиқа санъатига катта эътибор берилаётгани учун биз мана шундай танловларда совриндор бўлаяпмиз.

— Бу кўрик-танлов янада кўпроқ изланишимга туртки берди, — дейди Абдуазим. — Унда бизга жўравозлик қилган устозим Сурайё Тиллахўжаева «Энг яхши жўровоз» номинациясига лойиқ кўрилди. Орзуларим кўп. Уларга етишиш йўлида тинмай машқ қилишим керак. Бунинг учун эса лицейимизда барча шарт-шароит яратилган.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки



*ORACLE маълумотлар базасини бошқариш тизими сервер ускунаси ва лицензияли дастурий таъминоти етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.*

***Танловда қатнашиш учун буюртмаларни (банк белгилаган шаклда) қабул қилиш ҳамда буюртманома юборган юридик шахсларга танлов ҳужжатларини бериш ишлари эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун мобайнида амалга оширилади. Бунда буюртманомага улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси илова қилинган бўлиши шарт.***

***Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини (оферталарни) қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 30 кун ўтгач тўхтатилади.***

**Буюртманома шаклини ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил:**
**100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101.**
**«Ўзмиллийбанк» Бош маъмурий биноси.**
**Телефон: 234-42-93/95, Интернет-сайт: www.nbu.com**
**Алоқада бўлувчи шахс**
**Митрошин Олег Александрович**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**«Аму-Бухоро» Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси**

**қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

Лот-5:

**Лот 5-1. «Бухоро вилоят туманларидаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш (113 км)»** Буюртмачининг бошланғич нархи — 379389,11 минг сўм (ҚҚСсиз). Қурилиш муддати — 18 ой.

**Лот 5-2. «Бухоро вилояти туманларидаги тик дренаж қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш (100 дона)»** Буюртмачининг бошланғич нархи — 1191654,52 минг сўм (ҚҚСсиз). Қурилиш муддати — 15 ой.

Диққат! Қиймати 500 000 000 сўмгача бўлган объектлар танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Таъмирлаш ва тиклаш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** «Аму-Бухоро» Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

**Буюртмачи манзили:** Бухоро шаҳри, Ширбуддин кўчаси, 4-муюлиш, 24-уй. Тел: (8-365) 225-36-22, 225-36-33, факс: 225-42-32.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — тўқсон минг сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган санадан бошлаб 15 кундан кейин Бухоро вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ўтказилади.




Жаҳон чемпионлари учрашуви

# Юртимизда катта шоҳмот байрами

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида шоҳмот бўйича ўн еттинчи жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳамда ўн бешинчи ва амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ўртасида тўрт ўйиндан иборат ўртоқлик учрашуви бўлди. Унда Халқаро шоҳмот федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов ҳам иштирок этди. Бу учрашув «Спорт» телеканали орқали тўғридан-тўғри намойиш этилгани учун юртимиздаги барча шоҳмот мухлислари катта қизиқиш билан кузатиб борди.

Қуръага кўра тоқ ўйинларда ҳиндистонлик, жуфт ўйинларда ҳамюртимиз оқ доналарни бошқарадиган бўлди. Дастлабки юришлар (1. e4 e5 2. Of3 Of6 3.Oe5) томонлар русча ўйинда баҳсни давом эттиришидан дарак берди. Айнан русча ўйинда ҳамюртимиз бир неча йил илгари рақиби устидан ажойиб ғалабага эришганди. Ананд е вертикалига рухларни қаватлаб, устунлигини сақлаб туришга уринди. Рустам эса f5 катагига зарур пайтда сипоҳларини юриб, вазиятни тенглаштирди. У аввал шу катакка фил, кейин пиёда, сўнгра от ва ниҳоят рухини сурди. Қоралар бирмунча устунлик борлигини кўрган Ананд юришларни такрорлаб, Рустамга дуранг таклиф қилди. Рустам таклифга розилик билдирди.

Иккинчи ўйинда оқ доналарни бошқарган ҳамюртимиз муросасиз курашга олиб келадиган каталонча ўйинбоши (1. d4 d5 2. c4 e6 3. g3) йўналишини танлади. Қосимжоновнинг ҳужумкор юришларини бартараф этиш чоғида Ананд фили билан пиёдани уришга мажбур бўлди. Лекин аниқ ҳимоя чорасини топган Ананд рухини c1 катагига қўйиб қарши ҳужумга ўтди. Охир-оқибатда бу юриш устунликни қоралар томонга оғдирди. Рустам ортиқча сипоҳи — отини сақлаб қолишнинг иложи йўқлигини кўргач, ютқазганини тан олди.

Учинчи ўйинда рақиблар русча ўйинда баҳслашди. Ҳамюртимиз отини g4 катагига қўйиб кескин йўналишни танлади. Бунга Ананд пиёдасини h3 катагига қўйиб жавоб қайтарди. Қосимжонов отни f6 катагига қайтариб, оҳиста йўналишни танлаши ва дуранг учун ўйнаши мумкин эди. Лекин у f4 катакдаги филни фили билан урди. Бу Анандга фили билан h7 хонадаги пиёдани уриб, ҳужум бошлаш имконини берди. Кейинги юришлар бу ҳужумни қайтаришнинг иложи йўқлигини кўрсатди.

Тўртинчи ўйинда Қосимжонов яна каталонча ўйинбошини танлади. Яна Ананд аниқ ҳимоя юришларини топди ва қарши ҳужум уюштирди. Рухини c1 катагида қурбон қилиб, учрашувга ажойиб нуқта қўйди. Энди Рустам рухни урса ҳам, урмаса ҳам мотдан қутула олмасди.

Албатта, шоҳмот мутахассислари бу учрашувда Ананднинг катта фарқ билан (3,5:0,5) ғалаба қозонишини кутишмаганди. Лекин уларга жаҳон чемпионларининг ҳар бир ўйиндаги чиройли юришлари олам-олам завқ бергани айни ҳақиқат. Чунки шоҳмотда ўйиндаги чиройли юришлар кўпроқ қадрланади. Шу боис неча асрлардан буён «Дилором моти» комбинацияси яшаяпти, 1851 йилда Андерсен-Кизерицкий ўртасида ўтказилган ўйин «Боқий ўйин» сифатида эъзозланяпти. Шоҳмотчиларга Ананд — Қосимжонов ўйинларидаги чиройли юришлар ҳам таҳлил қилишлари учун жуда катта манба вазифасини ўтайди.

Учрашув давом этаётган вақтда ФИДЕ президенти ва Ўзбекистон шоҳмот федерацияси раҳбарлари мамлакатимизда шоҳмотни янада оммалаштиришга боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди. Бунинг натижасида шу йилнинг кузида Тошкентда ФИДЕ президенти соврини учун халқаро мусобақа ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, юртимизда шоҳмот академияси очилишига, келгуси йил Гран-при мусобақаси ўтказилишига келишиб олинди.

Республика шоҳмот федерацияси ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми томонидан уюштирилаётган шоҳмот байрами давом этмоқда. Ананд ва Қосимжонов иқтидорли ёш шоҳмотчиларимизга семинар-тренинг ўтказишди.

**Асрор МЎМИН**

# «Ватан туйғуси менга мададкор...»

***дейди «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби, Республикада хизмат кўрсатган спорт устаси Абдулла Тангриев***

Ёшлар тафаккурида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, фидойилик туйғуларини мустаҳкамлашда халқ назарига тушган машҳур инсонларнинг ҳаёт йўли, эришган ғалабалари, шунингдек, улар билан жонли мулоқотларнинг аҳамияти катта. Яқинда Тошкент Тиббиёт Академияси профессор-ўқитувчилари, талабалари билан миллий кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича бир неча бор Осиё чемпиони, Пекин олимпиадаси кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев учрашуви бўлиб ўтди.



Тадбир қатнашчиларига Абдулла Тангриевнинг катта спортда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик намойиш этилди. Сўнг жонли мулоқот бошланди.

— Болалигим Бойсундаги қишлоқда ўтган, тоғликман, — дея ҳикоя қилади Абдулла Тангриев. — Полвонлик қонимда бор. Авлодимиздан кўпчилик курашчи бўлган. Отам ҳам яхши полвон. У киши мени 3-4 ёшимдаёқ қишлоқлардаги тўйларга курашга олиб борарди. Ва доим ўзимдан 2-3 ёш катта болалар билан кураш тушардим. Табиийки, рақибимни енгиш учун ҳазилакам куч сарфламасдим, жон-жаҳдим билан тиришиб, аксарият ҳолда енгардим. Кейин билсам, отам шу тариқа менда рақибдан руҳий устун бўлиш учун мустаҳкам иродани шакллантиришга ҳаракат қилган экан. Бу эса менга катта спортда кўп асқотди.

Спорт бу — беллашув. Устун келиш учун тинмай машқ қилиш керак. Спортчи бўлишимга оиладаги муҳит сабаб бўлди. Ўқувчилик давримда «Мен катта бўлсам, дўхтир бўламан», деб иншо ёзганман, чунки тиббиётга ҳам қизиқардим.

Спорт — менинг ҳаётим, умримнинг мазмуни. Спортчи доим битта мақсад билан яшайди — ғалаба! Бугун ғалаба нашидасини сурасану, эртанги беллашувга тайёрлана бошлайсан. Яна машқ, яна изтироблар, интилиш, кураш ва ҳал қилувчи баҳс... Финал баҳсларининг ҳал қилувчи онларида Юртбошимиз, она халқим, онам кўз олдимдан ўтади. Шунда бутун вужудинг ғурурга айланади!

2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига қунт билан тайёргарлик кўраяпман. Сиз ёшларга айтар гапим, қаерда, қандай касб билан шуғуллансангиз ҳам, қалбингизда «Мен Ўзбекистон фарзандиман, унга муносиб ворис бўлишим керак!» деган туйғу билан яшанг, — дейди Абдулла.

Талабалар спортчига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди, келгуси режалари билан қизиқишди.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Семинар

# Банкротликдан қайта тиклашга

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилиши ва суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш орқали уларнинг масъулият ва профессионаллик даражасини ошириш» мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази, баҳоловчи ва аудиторлик ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланишича, 2010 йилда Қўмита ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг фаолияти иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг тўлов қобилиятини тиклаш, истиқболсиз, банкрот корхоналарни тугатиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўришга қаратилди.

2010 йилда тугатиш жараёнида 211 та корхона бўлиб, шундан 46 таси янги мулкдорларга, 43 таси тижорат банкларига сотилган ёки уларнинг балансига ўтказилган, 34 та корхона ўз тўлов қобилиятини тиклаган.

Банкрот корхоналарни тугатиш давомида 2010 йилда жами 576,5 млрд. сўм кредиторлик қарзлари қопланган.

Бўлиб ўтган мунозаралар давомида семинар-йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича фикр алмашдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Миллий киноанжуман

«Ўзбеккино» миллий агентлигида ўтган йили давлат буюртмаси асосида яратилган фильмлар муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда ҳисобот даврида суратга олинган 15 та бадиий, 8 та мультипликацион ва 64 та ҳужжатли фильмлар тўғрисида фикр юритилди. Киношунослар ва бошқа ижодкорлар ютуқлар билан бир қаторда айрим фильмлар маиший доирада қолиб кетаётганини таъкидлади. Мультипликацион фильмлар яратишда маҳорат дарслари ташкил этилгани самара бераётгани, бой маданий меросимиз асосида фильмлар яратилгани, шунингдек, тарихий ва портрет жанрларида мақтовга лойиқ ҳужжатли фильмлар тасвирга олингани эътироф этилди.

**ОБ-ҲАВО 29-30.03. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 21°C | 23°C |
| Самарқанд | 18°C | 23°C |
| Нукус | 18°C | 23°C |
| Қарши | 21°C | 26°C |
| Урганч | 18°C | 23°C |
| Навоий | 18°C | 23°C |
| Фарғона | 15°C | 20°C |
| Бухоро | 18°C | 23°C |
| Андижон | 15°C | 20°C |
| Наманган | 15°C | 20°C |
| Термиз | 21°C | 26°C |
| Жиззах | 18°C | 23°C |
| Гулистон | 18°C | 23°C |
| Тошкент вил. | 18°C | 23°C |
| Лондон | 10°C | 8°C |
| Париж | 8°C | 6°C |
| Москва | -6°C | -4°C |
| Мадрид | 7°C | 6°C |
| Пекин | 4°C | 5°C |
| Гонгконг | 15°C | 16°C |
| Рим | 6°C | 6°C |
| Анқара | 4°C | 6°C |
| Токио | 6°C | 6°C |
| Стокгольм | -2°C | -3°C |
| Кейптаун | 18°C | 17°C |
| Қоҳира | 11°C | 6°C |
| Гавана | 22°C | 23°C |
| Вашингтон | -2°C | -2°C |

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G`ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug`bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349
21781 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 03.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5